


## Ажиб бир мўъжиза



10:10 / 28.12.2018 4734

Аллоҳ таоло Қаҳф сурасининг 25-оятида золим ҳоким истибдодидан иймонларини сақлаб қолиш учун бир қаҳфга-ғорга паноҳ тортиб кирган етти киши ҳақида шундай марҳамат қилади: «Улар ғорларида уч юз йил қолдилар ва бунга яна тўққиз йил қўшдилар». Қизиқ, бу етти асҳобул қаҳфнинг ғорда бўлган пайтлари нимага тўғридан-тўғри уч юз тўққиз йил деб айтилмасдан, тўққиз йил алоҳида илова қилинган?

Бундай тушунтириш тарзи илк қарашда бизга ғалати кўриниши мумкин. Аслида эса, катта мўъжиза бўлиб, инсон қўллаб турган қуёш ва ой ҳисоби (шамсий ва қамарий йиллар) орасидаги фарқни хато-камчиликсиз айнан ифодалайди.

Маълумки, қуёш йили еримизнинг қуёш атропоидида айланишидан юзага келади ва ернинг маълум нуқтадан кетма-кет икки марта ўтиш муддати – 365,242217 қуёш кунни бир қуёш йилини ташкил этади.

Ой йили эса, 354,367668 кундан иборатдирки, бу – ойнинг ер атропоидида 12 марта айланиш муддатидир.

Ҳисоблаб чиқилса, қуёш ва ой йиллари орасида 10,874537 кунлик (11 кунга яқин) фарқ бор. Бунга кўра, 100 қуёш йили 103 ой йилига тўғри келади.

Агар 300 қуёш санасини ой санасига айлантирмоқчи бўлсангиз, оятда таъкидланганидек, бунга (300 қуёш йилига) яна 9 йилни қўшишингиз керак бўлади.

Мана сизга ўн тўрт аср аввал акс этган ва ҳозирги замонга ҳам ёруғлик таратиб турган Қуръон мўъжизаларидан яна бири.

***Islom.uz* поръали таҳририяти**